



## АТМОСФЕРА ҲАВОСИГА ЭЪТИБОР – ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИДИР

Усмонов Шерзод Муҳаммадалиевич

ТАДҚИҚОТЧИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7344766>

### ARTICLE INFO

Received: 09<sup>th</sup> November 2022

Accepted: 18<sup>th</sup> November 2022

Online: 22<sup>nd</sup> November 2022

### KEY WORDS

ҳавонинг ифлосланиши,  
ифлосланиш индекси, тоза  
шаҳарлар, ифлосланган  
ҳудудлар, транспорт  
ташламалари, заҳарли  
чиқиндилар, яроқсиз  
машиналар, экомоданият.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада бугунги кундаги энг долзарб экологик муаммолардан бирига айланган тоза ҳавонинг ифлосланиши, уни келтириб чиқарувчи омиллар, атроф-муҳитга зарар етказаётган ташқи таъсирлар, уларнинг олдини олиш чоралари тўғрисида маълумотлар берилади.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Биз истеъмол қиладиган маҳсулотлар, биз нафас оладиган ҳаво, биз ичадиган сув, биз яшайдиган сайёрага ҳаёт бағишловчи иқлим-барчаси табиат туфайли. Устига-устак, ҳозир табиатнинг ўзи бизга белги бермоқда – ўз ҳақимизда қайғуриш учун аввало табиатга ғамхўрлик қилишимиз керак”. Дарҳақиқат ҳавонинг ҳаддан зиёд ифлосланиши ва иқлим ўзгаришининг экологик ва ижтимоий оқибатлари кейинги йилларда айрим минтақаларда тўфон, ўрмон ёнғинлари, қурғоқчилик, тошқинлар, ҳароратнинг кескин исиб кетиши билан боғлиқ ҳолатлар сезиларли даражада кўпайиши орқали намоён бўлмоқда. Баъзи давлатларда иқлим ўзгариши таъсирида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

ҳосилдорлигининг пасайиб кетиши эса бевосита озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Шу муносабат билан бугунги кунда кўплаб мамлакатлар экологик барқарорликни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Хусусан, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотиغا кўра, 2019 йилда 8,8 млн. одам ҳавонинг ифлосланиши натижасида юзага келган касалликлардан вафот этган. Бундай салбий оқибатлар юзага келмаслиги учун тавсия этилган атмосфера ҳавосининг ифлосланиш индекси меъёрда 1,0 бўлиши лозим. Ўзбекистон Гидрометеорология хизмати марказининг маълумотиغا кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда ҳавоси нисбатан тоза шаҳарлар (яъни, атмосфера ҳавосининг ифлосланиш



индекси 1,1-2,63 бирлик атрофида): Денов, Қўқон, Марғилон, Қарши, Китоб, Шахрисабз ва Самарқанд бўлса, ҳавоси оғир ва ифлосланган ҳудудларга (яъни, атмосфера ҳавосининг ифлосланиш индекси 4,3-5,3 бирлик) Ангрен, Олмалик, Фарғона, Бухоро ва Тошкент шаҳарлари киради.

Ўзгидромет таҳлилларига кўра, сўнгги 10 йилда Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши чанг ҳисобига 1,3-2,7 баробар, азот 2 оксиди ҳисобига 1,3-2,0 баробарга ёмонлашган. Айниқса бу ҳолатлар ёзнинг жазирама ва шамолсиз кунларида бир неча карра ошади.

Шаҳарларда атмосфера ҳавоси завод-фабрикалардан ва чиқиндилардан эмас, балки транспорт воситаларидан ифлосланади. Тошкент шаҳри мисолида оладиган бўлсак, 85-90 фоизи ҳавонинг ифлосланиши транспорт ташламалари ҳамда яроқсиз машиналардан юзага келади. Қолгани шаҳар атрофидаги промзоналар ва шаҳар ичидаги очиқ осмон тагида барпо этилган овқатланиш масканлари тутунларидан пайдо бўлади. Тошкент шаҳрида 2021 йилда 426 минг тонна заҳарли чиқиндилар атмосфера ҳавосига чиқарилган бўлса, шунинг 395 минг тоннаси (90 фоизи) транспорт воситаларидан чиқарилган заҳарли ташламалар ҳисобланади.

Агар бу рақамларни 2018 йилдаги рақамлар билан солиштирилса, 2018 йилда 449 минг тонна заҳарли газлар чиқарилган бўлса, шунинг 60 фоизини транспорт воситаларининг тутуни ташкил этган. Демак, Тошкентда транспорт ташламалари 3 йилда 30 фоизга ошган.

Шунингдек, бугунги кунда Республикамизда 2 млн. дона

автотранспорт воситалари мавжуд бўлса, шулардан 450 минг донаси Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган. Бундан ташқари, ҳар куни 48-50 минг дона автотранспорт Тошкент шаҳрига кириб-чиқади. Демак, бир кунда Тошкент шаҳрида 500 минг автотранспорт ҳаракатланади. Рўйхатдан ўтган автомобилларнинг 75 фоизи бензин ва дизель ёқилғисига ҳамда 25 фоизи газда ишловчи автотранспорт воситалари ҳисобланади. Бир кунда Тошкент шаҳрида 500 минг дона автотранспорт ҳаракатланса ва ўртача 5 литрдан ёқилғи сарфласа ( $500\ 000 \times 5 = 2\ 500\ 000$  литр) 2 500 тонна ёқилғи ишлатилади.

Статистик маълумотларга қараганда, 1 тонна автомобиль ёқилғиси атмосферага 208 кг заҳарли чиқиндиларни чиқаради (газли машиналар эса 3 баробар кам). Демак,  $2\ 500\ \text{тонна} \times 208\ \text{кг} = 520\ \text{минг кг}$  ёки 520 тонна.

Тошкент шаҳрида фақатгина автотранспортлардан ҳар куни 520 тонна заҳарли газлар чиқарилмоқда. Натижада, Тошкент шаҳри аҳолисининг ҳар бирига кунига 200 грамм заҳарли газ тўғри келади. Айниқса, техник талабларга жавоб бермайдиган ва яроқсиз автотранспортлар қанча кўп ҳаракатланса, бу кўрсаткич яна ошади. Юқоридаги кўрсаткичлар инсонларни анча ташвишга солмоқда ва бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги чораларни кўриш лозим:

- 1) атмосфера ҳавосининг тозалигини доимий мониторинг қилиш ва динамикасини ўрганиб бориш;
- 2) ҳавони ифлослантирадиган омиллар-сабабларни аниқлаш;



3) шаҳар ҳавосини тоза сақлаш учун аниқ ишлайдиган механизмларни яратиш;

4) автомобилларни техник кўрикларини ҳаққоний ўтказиш керак. Техник бузуқ ёки муддатини ўтаб бўлган 40-50 йиллик автомобилларни шаҳар ичида ҳаракатланишини таъқиқлаш керак. Бу борада жамоатчилик орасида тушунтириш ишларини олиб бориш;

5) катта шаҳарларимизда жумладан, Тошкентда аҳоли яшаш жойлари, автомобиль йўллари ёқаларида, шаҳар атрофидаги ишлаб чиқариш зоналари (промзоналар) атрофида атмосфера ҳавосини тозалигини ўлчаб борадиган кузатув пунктларини ташкил қилиш. Ушбу кузатув пунктларидан бир суткада 3 марта маълумотлар олиш, таҳлил қилиш, ҳавонинг ифлосланиш индексини динамикасини ўрганиш ҳамда аниқ хулосалар қилиш;

7) қурилишларни ва катта юк автомобилларнинг ҳаракатларини тартибга солиш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бежиз 5 июнь БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни сифатида белгиланмаган. Атмосферанинг ифлосланишига оммавий тартибда курашилмаса, якка тартибда олиб борилаётган ҳатти ҳаракатлар сезиларли натижани бермаслиги табиий, албатта. Ҳавонинг ифлосланиши атроф табиий муҳитига, аҳоли соғлиғи ва генофондига путур етказар экан, буни олдини олишда нафақат давлат органларининг роли, балки аҳолида экологик маданиятнинг шаклланганлиги ҳам сезиларли аҳамиятга эгадир.

## References:

1. Ш.Мирзиёев, Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т:Ўзбекистон,2021й.
2. Ш.Мирзиёев, Янги Ўзбекистон. – Т: Ўқитувчи, 2021й.
3. <https://urmon.uz>
4. <https://hydromet.uz>
5. <https://www.meteo.uz/>